(Боши 1-бетда)

# КПСС Марказий Комитети Бош секретари
# М. С. ГОРБАЧЕВнинг
# совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

Америка советларнинг ракета зарбаси учун абадий заиф бўлиб қолишини нима учун шу қадар қаттиқ талаб қилмоқдалар? Совет Иттифоқи биз абадий ҳимоясиз бўлиб қолишимиз кераклигига нима учун қаттиқ туриб олмоқда?», — деган дабдабадор саволлар бермоқда.

Тўғрисини айтсам, бундай саволлар мени ажаблантирмоқда. Бу саволлардан гўё шу нарса келиб чиқадики, Америка президентининг ўз мамлакатини заиф қилиб қўймаслик, уни ядро зарбидан пухта ҳимоя қилиш имконияти борга ўхшайди.

Аммо ҳали ядро қуроли мавжуд бўлиб, қуролланиш пойгаси давом этаётган экан, унинг бундай имконияти йўқ. Ўз-ўзидан равшанки, биз ҳам бундай имкониятга эга эмасмиз.

Бунда президент СМТга умид боғлаётган бўлса, бу беҳуда нарса. Барча ракеталарни тугатган тақдирдагина бу система самарали бўлиб қолса, эҳтимол. Аммо у ҳолда умуман ракетадан мудофаанинг нима ҳожати бор? Уни барпо этишнинг нима кераги бор? деган саволлар туғилади. Ҳавога совурилган маблағларни, шу системанинг қанчага тушишини гапирмасам ҳам бўлади, баъзи чамаларга кўра, бу система бир неча триллион долларга боради.

Ҳозирча эса биз Американи хатарли режадан воз кечишга кўндиришга ҳаракат қиляпмиз. Америка маъмуриятини хавфсизликни, ҳимояни бошқа йўлдан —ядро қуролини батамом тугатиш, ҳар қандай — ҳам ядровий, ҳам оддий урушларни соқит қилувчи кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтириш йўлидан излашга ишонтирмоқдамиз.

Бироқ бугунги кунга келиб СМТ АҚШ ҳарбий доктринасининг таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда амал қилаётган ва Рейган президентлик қилган даврнинг бошларида Пентагон ишлаб чиққан «1984—1988 йилларга мўлжалланган мудофаа соҳасидаги қўлланма» «космосда жойлаштириладиган системаларни, жумладан совет йўлдошларини йўқ қилувчи воситаларни ишлаб чиқиш»ни, АҚШнинг ракетага қарши мудофаа шартномасидан чиқиши мумкинлигини назарда тутиб, Қўшма Штатлар территориясини ракетадан мудофаа қилиш системасини жадаллаштиришни кўзда тутади.

Мазкур ҳужжатда «СССР билан ҳарбий рақобатни янги соҳаларга йўналтириш ва шу билан Совет Иттифоқининг мудофаага сарфлаган илгариги барча харажатларини чиппакка чиқариш ҳамда барча совет қуролларини эскитиб қўйиш керак», деб таъкидланади. Кўриб турибсизларки, собиқ президент Никсоннинг таъбири билан айтганда, яна хомхаёлга берилмоқдалар, яна Совет Иттифоқининг тинкасини қуритишни мўлжалламоқдалар.

Ҳозирги маъмурият ўтмишдан яхши сабоқ чиқара олмаяпти.

Нима учун СМТга жон-жаҳдлари билан ёпишиб олганликлари тўғрисидаги саволга айни шундан жавоб излаш жоиз эмасмикан? «Самовий урушлар» режалари ядро уруши хавфини тугатиш тўғрисидаги аҳдлашувга эришиш йўлида асосий тўсиқ бўлди. Вашингтондагилар ҳозирги пайтда ишни биз гўё битимга эришиш сари боряпмиз, деб тасвирлашга беҳуда интилмоқдалар.

Сиёсий жиҳатдан гўллargина ядро қуролини Америка агрессиясини тўхтатиш воситаси сифатида тугатиб, ўрнига космосдан хавфни вужудга келтиришлари мумкин. Совет раҳбарлари орасида эса бундай сиёсий гўл кишилар йўқ!

Ана шулар туфайли инсониятни ядро хавфидан халос этишдан иборат ноёб имконият қўлдан бой берилганлигига муроса қилиш қийин. Мен айни шуни назарда тутиб, Рейкьявикдаги матбуот конференциясида биз мулоқотни тугалланган, деб ҳисобламаслигимизни ва президент Рейган ўз мамлакатига қайтгач, АҚШ конгресси билан, Америка халқи билан маслаҳатлашиб, Рейкьявикда эришилган силжишлардан мантиқан келиб чиқадиган зарур қарорлар қабул қилади, деб умид қилишимизни айтдим.

Бироқ, бутунлай бошқача воқеа юз берди. Рейкьявикдаги музокараларнинг бутун манзарасини бузиб кўрсатишдан ташқари — мен бу ҳақда яна бир бор айтиб ўтаман, — икки мамлакат олий раҳбарлари даражасидаги мана шу муҳим учрашувдан сўнг кейинги кунларда соғлом фикрловчи кишиларга бутунлай ғайри табиий бўлиб туюладиган хатти-ҳаракатларни амалга оширдилар.

Мен бунда совет элчихонаси ва консулхонаси ходимларидан яна 55 киши АҚШдан чиқариб юборилганлигини назарда тутмоқдаман. Биз ҳам албатта жавоб чоралари, айтиш мумкинки, шунга баравар ғоят қаттиқ чоралар кўрамиз, албатта. Бундай беъманиликни жавобсиз қолдириш ниятида эмасмиз. Аммо ҳозир мен бошқа нарса тўғрисида гапирмоқчиман.

Бу қандай ҳукумат, халқаро майдондаги бошқа ишларда ундан нималар кутиш мумкин? Унинг кутилмаган хатти-ҳаракатлари қай даражага бориб етиши мумкин?

Мазкур ҳукуматнинг қуролсизланишга оид энг муҳим масалалар юзасидан амалий таклифларга эга бўлиш у ёқда турсин, ҳатто мулоқотни нормал давом эттириш учун зарур бўлган вазиятни сақлаб қолиш истаги ҳам йўққа ўхшайди. Вашингтон ҳеч нарсага тайёр эмаслиги кўриниб турибди.

Шундай хулоса келиб чиқади. Бу хулоса кўпгина тажриба билан тасдиқланмоқда. Совет-Америка муносабатларига доир катта-катта масалаларга, бутун инсоният манфаатларига тааллуқли масалаларни бартараф этишга ёндашувларда ҳар сафар имконият пайдо бўлганда ижобий қарорлар қабул қилиш имкониятини барбод этишга, вазиятни заҳарлашга қаратилган иғвогарлик қилинади.

Америка маъмуриятининг ҳақиқий қиёфаси қандай? У масалаларни ҳал этиш ва қарорлар қабул қилиш йўлларини қидириб топишни истайдими ёки олға томон силжиш учун асос бўлиб хизмат қилаоладиган ҳамма нарсаларни бутунлай барбод этишни ҳар қандай нормаллаштиришни қасддан йўққа чиқаришни истайдими?

Буюк мамлакат шоша-пиша ҳамма нарсани барбод этадиган бузғунчилик хатти-ҳаракатлари қилувчи маъмуриятининг ғоят нохуш қиёфаси пайдо бўлади. Ё президент Совет Иттифоқига ва халқаро ишларни осойишта изга солиб юбориши мумкин бўлган барча нарсаларга нафрат билан тўлиб-тошган ўз атрофидаги шахсларга таъсир ўтказолмайди, ёки унинг ўзи буни истамайди. Нима бўлганда ҳам Оқ уйда «қузғунлар»ни жиловлаб қўядиган куч йўқ. Бу эса ғоят хатарлидир.

Рейкьявик тўғрисида америкаликлар қандай хабардор қилинганлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ҳам худди юқорида айтилган руҳда — қуйидагича бўлди. Америкаликлардан фактларни сир тутдилар. Уларга мен юқорида айтиб ўтган чала ҳақиқатни маълум қилдилар. Гўё АҚШ кучни пеш қилиб Америка қўйган шартлар асосида Совет Иттифоқини аҳдлашувга розилик беришга деярли мажбур қилди, деб тасвирладилар.

АҚШ гўё ўз мақсадига эришадиган кун яқин эмиш, бунинг учун ҳарбий тайёргарлик суръатларини бўшаштирмай, «самовий урушлар» программасини тезлаштириш, барча йўналишларда тазйиқни кучайтириш керак эмиш.

Мана шу кунлар улуғ иш майда-чуйда сиёсатдонликда фарқ бўлаётганлигининг гувоҳи бўлди. Ўз халқи, иттифоқчиларининг ҳаётий манфаатларини, умуман халқаро хавфсизликни қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи саноат эгалари учун қурбон қилмоқдалар. Америка жамиятининг ошкоралиги тўғрисида, ахборот эркинлиги, фикрларнинг мустақиллиги ҳақида, ҳар бир киши нимани хоҳласа, шуни кўриши ва эшитиши мумкинлиги тўғрисида неча бор айтилган.

Президент Рейкьявикда системаларимиз ўртасидаги тафовутлар тўғрисида гапириб, менга шундай деди: «Биз матбуот эркинлигини, ҳар қандай фикрни тинглаш ҳуқуқини эътироф этамиз». Мен буни унинг сўзларидан келтирдим. Амалда эса бу қандай бўлмоқда?

Мана бир ғоят янги фактни келтириб ўтаман.

Бизнинг «Янгиликлар» матбуот агентлиги жамоат ташкилотимиз Рейкьявикда мен ўтказган матбуот конференцияси ва совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқим текстларини инглиз тилида нашр этиб, уни кўпгина мамлакатларга, шу жумладан Қўшма Штатларга ҳам юборганлигини менга айтишди.

Ваҳоланки, ана шу китобчалар бир неча кундан бери Америка таможнясида ушлаб турилибди. Унинг америкалик китобхонларга етказилишига йўл қўймаяптилар. Мана сизга «ҳар қандай фикрни эшитиш ҳуқуқи!»

Ёки яна бир мисол: мен инсонпарварлик ишлари ҳақида фикр билдириб, президентга, масалан, кинони олиб кўрайлик, дедим. Совет экранида кўплаб Америка фильмлари кўрсатилмоқда. Совет кишилари ана шу фильмлар орқали америкаликларнинг турмуш тарзи ва фикрлаш тарзини тасаввур қилиш имкониятига эга бўладилар.

«Озод Америка»да эса совет фильмлари деярли кўрсатилмайди. Президент одатдагидек бундай ҳолларда хусусий корхоналар нима хоҳласа шуни қилишади, дегандек бунга жавоб қайтиришдан ўзини четга олди.

Мен унга бизда Америка китоблари ва АҚШда бизнинг китобларимиз нашр этилаётганлиги тўғрисида гапирдим. Бизда Америка китобларидан 20 та чиқарилса, АҚШда бизнинг битта китобимиз чиқади.

Мен президент олдига радиоахборот тўғрисидаги масалани ҳам қўйдим. Бу борада ҳам аҳволимиз тенг эмаслигини айтдим. Сизлар Совет Иттифоқини радиопередатчиклар тармоғи билан ўраб олгансиз ва бошқа мамлакатларнинг территориясидан Совет Иттифоқининг кўпгина тилларида кеча-кундуз нимани хоҳласангиз, шуни эшиттиряпсизлар, дедим. Американинг ўзи эса биз яқин қўшнилар эмаслигимиздан фойдаланиб, ўзини ўрта тўлқинлар билан бизнинг радиоахборотимиздан четлаштирди — уларда приёмниклар фақат шундай тўлқинларни қабул қилади. Президент бунга ҳам ҳеч қандай эътироз билдира олмади.

Шунда мен унга: келинглар, биз «Америка овози» радиостанциясининг овозини бўғмаймиз, сизлар эса ўз территориянгизда ёки ён-атрафда Қўшма Штатлар учун радио эшиттиришларни — мамлакатингиз аҳолисига етиб борадиган қилиб йўлга қўйиш имкониятини таъминлайсиз, деб таклиф этдим. Президент буни ўйлаб кўришни ваъда қилди.

Қўшма Штатлар тобора ёпиқ жамият бўлиб қолаётганга ўхшайди; у одамларни холис ахборотдан айёрлик билан ва самарали тарзда четда сақламоқда. Бу — хатарли жараён.

**Америка халқи Совет Иттифоқида нималар бўлаётганлиги тўғрисидаги, совет ташқи сиёсатининг асл мазмуни ҳақидаги ҳақиқатни,** бизнинг асл ниятларимиз, шунингдек умуман жаҳондаги аҳвол тўғрисидаги **ҳақиқатни билиши керак.**

Айтишим мумкинки, ҳозирги босқичда бу ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

Энди Қўшма Штатларда Рейкьявик якунлари қандай талқин этилаётганлиги тўғрисида гапирмоқчиман. Рейкьявикда айтилган барча фикрлар, уйдирмалар ва хомхаёлларга айлантирилиши учун атиги бир неча соат, нари борса бир неча кун керак бўлди, холос. Ишонч уруғи униб чиқмасдан туриб, уни пайҳон қилишга интилмоқдалар.

Президент яқинда фақат баллистик ракеталар тўғрисида келишувга эришилганлигини, унинг ёрдамчилари эса бомбардимончи самолётлар ва барча қанотли ракеталар даҳлсиз бўлиб қолишини ошкора айтдилар.

Давлат секретари бошқа бир фикрни — аҳднома барча стратегик қуролларга оид бўлсин, деган фикрни айтди. Кези келганда шуни ҳам айтиб қўяйки, мен президент билан суҳбатлашган чоғимда давлат секретари ҳам, бизнинг ташқи ишлар министримиз Э. А. Шеварднадзе ҳам ҳозир бўлган эдилар.

Оқ уй номидан гапирган жаноб Спикс эҳтимол Р. Рейганнинг гапларини нотўғри тушунишгандир, президент барча ядро қуролларини тугатишга ҳеч қачон розилик бермаган, деб айтди.

Иш тўғридан-тўғри ғирромлик қилишгача бориб етди. Масалан, ўтган учрашувда АҚШ президенти 1996 йилга қадар СССР билан АҚШнинг **ҳамма** стратегик ҳужум қуролларини **батамом** йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги совет таклифига рози бўлмаган эмиш. Гўё, бизнинг бу таклифимиз хусусида якдил нуқтаи назарга эришиш мумкин бўлмаганмиш.

Музокара иштирокчиси сифатида бутун масъулиятни зиммамга олиб шуни айтаманки, президент қандайдир айрим стратегик ҳужум қуролларигина эмас, балки барча—яна таъкидлаб айтаман, барча стратегик ҳужум қуроллари тугатилишига астойдил бўлмаса ҳам ҳар ҳолда розилик берди. Бундай қуролларни айни ўн йил ичида, икки босқичда тугатишга рози бўлди.

Ядро синовлари проблемаси муҳокамасига оид талқинлар ҳам ҳақиқатдан узоқ. Бу масалага АҚШнинг бир томонлама ёндашуви шундай тасвирланмоқдаки, гўё Совет Иттифоқи бундай ёндашувга тўла қўшилишини изҳор қилган эмиш. Асло бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Европада ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги масала ҳам нотўғри талқин этилмоқда. Бу ҳам етишмагандек, совет томони тақдим этган мажмуада бундай масала йўқ деб кўрсатилмоқда.

Бироқ, минг километрдан камроқ масофага учириладиган ракеталар миқдорини кўпайтирмасликка бизнинг рози бўлганлигимизни АҚШнинг Ғарбий Европада ана шундай классдаги Америка ракеталарини жойлаштириш «ҳуқуқи»нинг Совет Иттифоқи томонидан «тан олиниши» деб тасвирламоқдалар.

Бундай талқинда Рейкьявикда биз нималар ҳақида гаплашганимиз — ядро уруши хавфини бартараф этиш, ядро қуролларини қисқартириш ва тугатиш тўғрисида гаплашдикми ёки ана шундай хавф-хатарни янада ошириш, ядро қуроллари хилини кўпайтириш, бутун планетанигина эмас, космосни, коинотни ҳарбий муҳолифлик майдонига айлантириш ҳақида гаплашдикми? — бунга тез орада ўзинг ҳам шубҳаланиб қоласан киши. Аҳвол ана шундай бўлмоқда, ўртоқлар.

Совет-Америка ҳамжиҳатлиги мумкинлигининг истиқболлари баъзи бировларни шу қадар чўчитиб юбордики, улар олдиндан мутлақо кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тўсиқлар барпо эта бошладилар, «дастлабки шартлар»ни кашф эта бошладилар.

Президентнинг ёрдамчиси шундай гапларни айтишгача бориб етдики, АҚШ ядровий қуролсизланишга рози бўлишдан олдин «Совет Иттифоқида сиёсий иқлим ўзгараётганини кўриши керак» эмиш.

Буларнинг ҳаммаси жиддий гап эмас, ўтакетган бачкана гаплар. Етмиш ёки қирқ йил муқаддам ана шундай даъволар олға сурилганида буни фаросатсизлик, тарихий кўрлик деб ҳисоблаш мумкин бўлур эди, ҳозир эса бу реалликни мутлақо тушунмаслик ифодасидир.

«Дастлабки шартлар» сифатида оддий қурол-яроғлар тўғрисидаги масала ҳам тилга олинмоқда. Бу масаланинг ўзи ҳам жуда жиддий.

Шу вақтга қадар Ғарбда Совет Иттифоқи, Варшава Шартномаси давлатлари оддий қурол-яроғлар соҳасида «устун» деган даъволар тез-тез учраб турадиган гаплар эди. Гўё ана шу «устунлик» НАТОни ядро потенциалини муттасил кўпайтиришга мажбур қилаётган эмиш.

Ҳеч қандай номутаносиблик йўқ, албатта. Рейкьявикдан кейин бу фактни жаноб Шульц билан жаноб Риган биринчи марта ошкора тан олишди. Лекин проблеманинг моҳияти мувозанатни сақлаб қолишдангина иборат эмас. Биз қуролланиш пойгаси ядро соҳасидан оддий қурол-яроғлар соҳасига ёйилишини истамаймиз.

Эслатиб ўтаман, ядро қуролларини аср охиригача тугатиш тўғрисидаги бизнинг январь ойидаги таклифимиз химия қуролини тугатиш ва оддий қурол-яроғларни тубдан қисқартириш тўғрисидаги қоидаларни ҳам ўз ичига олган эди.

Январь ойидан кейин ҳам биз бу масалага кўп марта қайтдик. Варшава Шартномаси мамлакатларининг таклифлари шу йилнинг ёзида Будапештда жуда батафсил баён қилиб берилди. Биз бу таклифларни иккинчи томонга юбордик —мен НАТО аъзоларини кўзда тутаяпман.

Бу таклифларимизга ҳамон жавоб олингани йўқ.

Рейкьявикдан кейинги ҳар бир кун Исландиядаги учрашув сиёсий арбоблар айтган гаплар ва даъволарнинг ҳақиқий баҳоси синовдан ўтаётган мезон бўлганлигини равшанлаштирмоқда.

Ядро даҳшатидан қутилиш керак, ядросиз дунёда нафас олиш енгилроқ бўлади, СССР билан АҚШ бу проблемани қотиб қолган жойидан қўзғатишса бўлгани, деб жуда кўп гапирилди.

Бироқ, умид учқуни кўриниши биланоқ кеча ядро қуролини лаънатлаб, ядросиз дунё ғояси тарафдоримиз деб, кўкрагига урган кимсаларнинг кўпи панага қочиб қолишди.

Ҳатто Ғарбий Европада Америка ядро қуролларидан, Америка ракеталаридан ажралиш қийин, деган гаплар эшитилмоқда.

Чамаси гап шундаки, Ғарбда сиёсатни белгилаб берадиган кишилар ядро қуроли тўғрисида асло мудофаа мақсадларини кўзлаб ўйлаётганлари йўқ. Акс ҳолда ракеталарни сақлаб қолиш учун нега баҳона қидирилаётганлигининг ёки ҳукумат даражасида СМТ программасини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги гаплар айтилаётганлигини изоҳлаш қийин.

Бу ҳақда биз ҳам, Ғарбий Европа жамоатчилиги ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

Тўғридан — тўғри ҳужумдан ташқари янада маккорроқ ҳийла-найранглар ишлатилмоқда. Турли сабабларга кўра дидимизга мос келмайдиганларини музокара столидан бир четга суриб қўйиб, ўзимиз учун фойдалироқларини олсак бўлмайдими? — деган гаплар айтилмоқда.

Айтишларича, биз, Совет томони, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган таклифлар мажмуасини олға сурганлигимиз сабабли Рейкьявикда қийинчиликлар вужудга келган эмиш. Лекин мажмуа—манфаатлар, ёнбосишлар мутаносибидир, ташвишларни бартараф этиш, хавфсизлик манфаатларининг бир-бирига боғлиқлиги мутаносиблигидир. Бу ерда ҳамма нарса гўё бир тарозига қўйилган, унинг икки палласини бараварлаштириш керак.

Чамаси, худди шу сабабли ғарбдагилар аҳдлашувлар мажмуасининг мана шу мантиқан асосланган, адолатли вариантини қисмларга ажратиб ташлаб, келишувлар мутаносиблигини тиклаш учун ҳеч нарса қилмасликни хоҳлаётирлар.

Рейкьявикда биз ўртага қўйган барча таклифлар қурол-яроғлар марказий стратегик системалари билан объектив боғлиқдир. Бизнинг ёнберишларимиз ҳам шу мажмуанинг бир қисмидир. Мажмуа бўлмас экан — ён беришлар ҳам бўлмайди.

Бу бизнинг миллий хавфсизлигимиз реаллигидир. Аммо бундай ёндашув АҚШнинг ҳам, бошқа ҳамма томонларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлайди.

Айни шу боисдан биз ракетадан мудофаа шартномасини мустаҳкамлашга ана шундай аҳамият бермоқдамиз. Биз ракетадан мудофаа шартномасига ҳеч қандай суиқасд қилаётганимиз йўқ. Аксинча биз уни ревизия қилишга, тўлдиришга ва ҳоказоларга қаршимиз, уни Рейкьявикда президент айтганидек, балки янглишиб гапирганидек, бошқа бирон нарса билан алмаштиришга қаршимиз.

Очиғини айтсам, учрашув чоғида президент Совет томонини, шахсан мени ракетадан мудофаа тўғрисидаги шартномага «муқаддас китоб»га бўлгани каби муносабатда бўлмасликка кўндиришга уринганлиги мени жуда ажаблантирди. Хўш, шартномаларга қандай муносабатда бўлиш керак? Уларга бир парча қоғоз деб қараш керакми?

Шартномаларга, айниқса ракетадан мудофаа тўғрисидаги бундай фундаментал шартномаларга қатъий риоя қилмай туриб, халқаро тартиб ва оддий барқарорликни таъминлаб бўлмайди. Акс ҳолда дунёда ўзбошимчалик ва ўтатартибсизлик авж олиб кетади.

Яна бир бор айтаман: ядровий қуролсизланишдан СМТни афзал кўришаётган экан, бундай пайтда фақат битта хулоса чиқариш мумкин — ана шу ҳарбий программа ёрдамида оддий ва равшан сўзларда ифодаланган ҳамда биз АҚШ президенти билан биргаликда ўтган йили имзолаган давримиз халқаро муносабатлари ҳужжатидаги ҳақиқатни рад этишга уринмоқдалар. Мана ўша сўзлар: ядро урушини бошлаш мумкин эмас, унда ғалаба қозониб бўлмайди.

Пировардида шуни айтаман: Совет Иттифоқи ўз таклифларига мумкин қадар кўпроқ яхши ниятни асос қилиб олган эди. Биз бу таклифларни қайтариб олаётганимиз йўқ, қайтариб олмаймиз! Бу таклифларни асослаш ва ривожлантириш учун айтилган ҳамма гаплар ўз кучида қолади.

Хайр, ўртоқлар, саломат бўлинг.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди, унда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда концерт фаолиятини янада яхшилаш ва концерт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Кенгашда музика санъати арбоблари, концерт ташкилотлари ва ўқув юртларининг раҳбарлари, маданият министрлари ва маданият бошқармаларининг бошлиқлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, КПСС ўлка ва область комитетларининг маданият бўлимлари мудирлари, марказий министрликлар ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

СССР маданият министри В. Г. Захаров доклад қилди. Докладни муҳокама қилишда СССР халқ артистлари Т. Н. Хренников, В. Л. Норейка, А. Н. Пахмутова, Р. К. Шчедрин, Т. В. Доронина, РСФСР халқ артисти И. Д. Кобзон, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. С. Бадхен, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ю. Ф. Маликов, РСФСР маданият министри Ю. С. Мелентьев, Белоруссия ССР маданият министри Ю. М. Михневич, Украина Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири Б. В. Иваненко, Кемерово область филармониясининг директори В. Д. Литвинов иштирок этдилар.

Концерт ишининг энг муҳим муаммолари хусусида манфаатдорлик билан амалий гаплашиб олинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев нутқ сўзлади.

Биз қадам қўйган давр— кескин бунёдкорлик ўзгаришлари, кутиш ва орзу-умидлар давридир, деди у. Лекин ана шу ўзгаришлар юз бериши учун кўп соҳада янгича ишлашни, тўпланиб қолган проблемаларни, — фақат экономика, сиёсат соҳасидагина эмас, балки жамиятимиз ҳаётининг маънавий, ахлоқий соҳасидаги, инсонга муносабатнинг ўзидаги тўпланиб қолган проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашишни ва уларни янгича ҳал этишни излашни ўрганиб олиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди ўртага қўйган социал-иқтисодий жадаллаштириш вазифаларини санъат ёрдамида жамиятни ривожлантиришнинг маънавий соҳасини жадаллаштирмай, ахлоқий соҳасини чуқурлаштирмай туриб ҳал этиб бўлмайди. Бу жуда кўп нарсаларни ўз ичига олади. Энг аввало, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг қалбида юксак социал идеаллар ва гражданлик эътиқодларини, ғоявийликдан иборат муқаддас инсоний фазилатни тарбиялаш ҳам шунга киради. Ватанпарварликни, Ватанга меҳр-муҳаббатни тарбиялаш ҳам киради. Чунки, гражданлик хусусиятлари ҳам, ҳаётга ва умумий ишга хўжайинларча, давлат манфаатларини кўзлаб муносабатда бўлиш ҳам худди мана шу туйғудан келиб чиқади. Кўп миллатли мамлакатимизни яхлит қилиб бирлаштириб турувчи маънавий метин ҳисобланган совет интернационализмини тарбиялаш ҳам шу соҳага киради. Совет интернационализми руҳида тарбиялаш совет халқини инсониятнинг умумий тақдирига қўшади. Бутун ижтимоий ҳаётни демократлаштириш зарурлиги, уни пайсалга солиб бўлмаслиги ҳам шу соҳага тааллуқлидир. Бу эса тарбиявийликни, юксак эътиқод ва масъулиятни талаб қилади.

Сўнгра нотиқ бугунги кунда ҳамма ишларимизда — катта ва кичик, кундалик ва тарихий, моддий ва маънавий ишларимизда биз ўзимиз яшаб турган дунё манзарасини бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқлигини таъкидлади. Бу тиғиз, мураккаб, жўшқин лекин ўзаро курашлар дунёсидир.

Ҳозирги дунё тобора тиғиз, ҳамма нарса бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб бормоқда. Мана шу оламда ташқи таъсирдан ажратиб қўйилган қандайдир ковак, кулба ясаб унда ҳар нарсадан чўчиб, тақдирга тан бериб ўтиришга умид қилиш — бу шунчаки хаёлпарастликка берилишгина эмас, балки ўзини мағлубиятга маҳкум этишдир.

Ҳар ким ўзининг фаол, ҳужумкор позициясига эга бўлмоғи керак. Ўз уйимизда сўзсиз устунлигимизни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга ташқи дунёга бизнинг музика таъсиримизни муттасил кучайтирадиган позицияга эга бўлишимиз керак.

Санъат, ахборот чегара билмайди. Лекин, санъатга зид нарсалар, нотўғри ахборот ҳам чегара нималигини билмайди. Шу муносабат билан нотиқ XX асрнинг иккинчи ярмида капиталистик жамият маънавий ҳаётида асосий позицияларни эгаллаб олган «оммавий маданият» каби ҳодисага эътиборни жалб этди. Бу жаҳолат билан йўғрилган сохта маънавиятни сингдиришни мақсад қилиб қўйган ғоявий-психологик тажовузкорликдир. У истеъмолчилик инстинктларини авж олдиришга, инсонийликни йўқ қилиб ташлашга, омманинг ахлоқини бузишга қаратилган, қадр-қимматини белгилашнинг тескари системасини қарор топтиришга, пасткаш ҳамда капитализм учун қўл келадиган омманинг маънавий жиҳатдан заиф бир қолипдаги кўринишларини шакллантиришга қаратилган. «Оммавий маданият» одамларнинг табиий равишда кўнгил очишга, дам олишга интилишларидан актив ва моҳирлик билан фойдаланмоқда, лекин айни пайтда ана шу интилишларни маънавиятсиз асосларга, инсоний туйғулар ва тафаккурларни стандартлаштиришга, ҳаётга ва дунёга мешчанларча муносабатда бўлишга, гражданлик туйғуларини унутишга ва лоқайдликка йўналтирмоқда.

Афсуски, бу «оммавий маданият» бизнинг қўшиқларимизда, эстрада ва телевидениемизда, адабиёт, театр, кинода ожиз бўлса-да, ҳар ҳолда, аввало, кўр-кўрона тақлид қилиш шаклида куртак ёзди. Бу эса маданият асарлари савиясига талабларнинг пасайиши каби бизнинг анъаналаримизга ёт бўлган ҳодисаларда намоён бўлмоқда. Қатъиян айтганда, орамизда ёт ахлоқ, этиканинг тарқалишига ҳар қандай муросасозлик бизни олға ҳаракат қилдирмайдигина эмас, балки санъат, халқ асрлар давомида тўплаган яхши, буюк нарсаларни ҳам йўқотиб қўйишимизга олиб боради. Ишнинг бу тарзида бурилиб кетиши учун объектив шарт-шароитлар йўқ. Агар биз бугун бу соҳадаги салбий ҳодисалар тўғрисида гапираётган эканмиз, улар — биз ўзимиз йўл қўйган камчиликларнинг, нуқсонларнинг, ҳаракат қилмай қараб турганлигимизнинг бевосита натижасидир.

Ҳозирги даврдаги истеъмолчилик руҳидаги «оммавий маданият» ривожланишининг яна бир ташвишли белгиси шундан иборатки, ҳамма жойдагидан кўра бу ерда даққилик, пала-партишлик, қабиҳлик, истеъдодсизлик осон кун кечиради.

Концерт фаолиятида бадиий вазифалар ва дунёқарашни шакллантириш вазифаларига зўр эътибор бермоқ керак. Концерт фаолиятига баҳо беришда сифат проблемаси ёндашувни белгилаб берадиган асосий мезон бўлиб қолмоқда. Ижодда, ифода воситаларини излашда, бошқалар тилидан фарқ қиладиган ўз тили билан гаплашишга интилишда санъаткорга ёрдам бериш лозим. Алоҳида олганда, ҳар бир концерт ва бутун концерт фаолияти системаси инсонпарварлик идеалларини, оламни демократик тарзда тушуниш ва ҳис этишни қарор топтирса, маънавий соғломликка кўмаклашса ана шунда, фақат ана шундагина бизнинг чинакам мафкуравий манфаатларимиз таъмин этилади. Булар ҳаммасининг эрмакка, расмиятчиликка алоқаси йўқ, албатта. Концерт фаолиятини ҳам, айни пайтда уни ташкил этишнинг бутун жараёнига ҳам олижаноб тус бериш, уни инсонийлаштириш лозим.

Нутқда ўсмирларни музика асосида тарбиялаш проблемаларига алоҳида эътибор берилади, шу муносабат билан Ватанимиз ва жаҳон меросининг, халқ санъатининг энг яхши намуналарини, совет музикасининг ҳеч истисносиз ҳамма жанрларидаги ажойиб асарларни пропаганда қилишнинг роли ва аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Санъатда «таъқиқлаб қўйишлар» ижобий натижалар келтирмаслиги уқтирилди. Ҳақиқатан ёмон асарлар, айниқса, эстрада музикаси жанридаги ёмон асарлар чинакам бадиий асарлар томонидан қисиб чиқарилган тақдирдагина умри тугайди ва йўқ бўлиб кетади.

Эстрада, оммавий қўшиқлар яхши эмаслиги тўғрисида тез-тез гапиришади. Ҳақиқатан ҳам унда музика ва поэтик текстда бемаънилик, қашшоқлик, шошмашошарлик билан қилинган сохталик бўш тақлидгўйлик кўп учрамоқда. Буларнинг ҳаммаси юксак профессионал асарлар етишмаслиги вазиятида пайдо бўлди, бу етишмасликнинг сирлари ҳақида бизнинг етакчи санъаткорларимиз ҳам, СССР Композиторлар ва Ёзувчилар союзларида ҳам ўйлаб кўришлари керак.

Музика ҳамма жойда инсонга йўлдош: турмушда ҳам, дам олишда ҳам, ҳатто иш жойида ҳам музика ҳамроҳ бўлади. Уни турли ёшдаги, маданият даражаси турлича бўлган, диди, тили ва бошқа анъаналари турлича бўлган одамлар тинглайдилар. Ҳеч бўлмаса, худди шу сабабли музика жанри ва бошқа белгилари жиҳатидан ҳам бир хил бўла олмайди. Лекин музика бир жиҳатдан — сифат жиҳатдан бир хил бўлиши керак. Маълумки, музиканинг сифати жанрга эмас, балки муаллифнинг истеъдоди ва профессионал маҳоратига, унинг ўз бадиий ва гражданлик масъулиятини тушуниб етиш даражасига боғлиқ. «Юқори» ва «паст» жанрлар бўлиши мумкин эмас. Чунки, ёмон ва яхши жанрларнинг ўзи йўқ, яхши ва ёмон музика мавжуд. Диднинг эгаси — инсон, лекин музика чинакам бўлиши керак.

Сўнгра нотиқ ҳозирги замон концерт ишининг аҳволини таҳлил қилиб, унинг «фойдали таъсир коэффициентини» «композитор — ижрочи — тингловчи»нинг ўзаро ҳаракатларидаги мавжуд келишмовчиликларни анча камайтираётганлигини таъкидлади. Бунинг сабаблари хилма-хил. Бу сабаблар, аввало, баъзи муаллифлар ижодининг давр талабларидан, оммавий тингловчилар эҳтиёжларидан ажралиб қолганлигидир, баъзан эса, ўзини сара, деб ҳисоблаш ифодасидир.

Проблеманинг кўпгина концертлар профессионал, ижрочилик даражаси каби муҳим жиҳатларини ҳам тилга олмаслик мумкин эмас. Биз ажойиб санъаткор коллективларимиз ва солистларимиз билан фахрланамиз. Лекин, ҳамма концертлар ҳам ҳамиша ана шундай савияда ўтавермайди, бу айниқса, болалар олдида ва қишлоқда концерт билан чиқадиган артистлар группаларига тааллуқлидир. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Концерт фаолияти тўғрисида қарор чиққан кундан буён ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин, ҳали силжиш жуда кам. Маданий-ижтимоий ҳаётда воқеа бўлиб қоладиган концертлар етарли эмас. Маданият органлари, концерт ташкилотларининг раҳбарлари қизиқарли программалар тузиш, томошабинлар билан ишлашнинг янги формалари хусусида деярли ташаббус кўрсатмаяптилар.

Концерт фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги кўп нуқсонлар шунинг учун юз бермоқдаки, унинг формалари қотиб қолган, неча ўнлаб йиллардан буён ўзгармаяпти. Филармониялар барча рухсат этилган, кўпинча эса рухсат этилмаган усуллар билан планни «бажармоқда», биз эса концерт ташкилотларини маблағ билан таъминлаш системасининг, ҳисоб бериш, артистлар меҳнатига ҳақ тўлаш системасининг мукаммал эмаслиги сабабли молиявий қоидаларни бузиш ва суиистеъмол қилиш имкониятлари мавжудлигидан кўз юммоқдамиз. Шу боисдан сира кечиктирмай ҳал этиш лозим бўлган асосий вазифа — бошқарувнинг асосли структурасини, гастрол-концерт ишларини планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш системасини ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирча концерт ишларини планлаштириш ва планларнинг бажарилишини контрол қилиш фақат миқдор кўрсаткичларига асосланган. Филармониялар фаолиятининг сифат мезонлари ҳали ишлаб чиқилган эмас.

Биз катта санъаткорларни санъатни омма орасига олиб киришга даъват этамиз, уларнинг ўзлари ҳам ўз фаолиятларини кенг тингловчилар аудиторияси билан учрашувсиз тасаввур эта олмайдилар. Лекин, баъзан айрим жойларда ижрочилар учун энг оддий ижодий ва маиший шароитни ҳам яратиб бермаяптилар. Нима учун артист кишилар олдида ўз санъатини намойиш қилишдан олдин жуда кўп ноқулайликларга бардош бериши керак, нима учун кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб қилмайдиган ишда тартиб ўрнатиш бунчалик қийин бўляпти? Ўзаро инсоний муносабатларда оддий маданият ва лавозим масъулиятини ҳис этиш керак, холос.

Янги программаларни яратишда, репертуар сиёсатини шакллантиришда, артистларнинг профессионал маҳоратини оширишда, коллективларда қулай маънавий муҳитни қарор топтиришда бадиий кенгашлар ва бошланғич партия ташкилотларининг роли, масъулияти очиқдан-очиқ камситиб қўйилган.

Марказий Комитет музика маданиятииинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни зарур, деб топди. Яқин ўн йил мобайнида мамлакатдаги қирқта шаҳарда 42 та концерт зали, юзлаб маданият уйлари, минглаб клублар қуриш белгилаб қўйилди. СССР Маданият министрлиги, маҳаллий ташкилотлар олдида Ватанимиз тажрибасини, чет мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, яхши, замонавий лойиҳалар яратиш, залларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш каби масъулиятли вазифа турибди.

Барча манфаатдор ташкилотлар ва идоралар концерт ишини қайта қуришда ўз ўринларини белгилаб олишлари, томошабинлар, тингловчилар концерт мазмунида реал силжишларни ҳис этишлари учун ҳамма ишларни қилишлари зарур. Сўздан ишга ўтиб, вазифани тушуниб етганлигини, ўз самимийлигини, бу иш билан шуғулланиш ҳуқуқини амалда исботлаш пайти келди.

(ТАСС).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

сизлик ва тоқатсизлик вазияти вужудга келтирилмаган. Бошланғич партия ташкилотлари бу ишдан четга чиқиб қолдилар. Шу ташкилотларнинг ўзлари қўшиб ёзишларни очиб ташламаяптилар, кўзбўямачилик фактларига ўткир, принципиал баҳо бермаяптилар, бундай ҳолларни кенг кўламда ошкор қилмаяптилар.

Қарорда бундай аҳволга энди тоқат қилиб бўлмаслиги қайд этиб ўтилади. Алдаш, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар эндиликда ишимизни қайта қуришда тўғаноқ бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети Молдавия Компартияси Марказий Комитети, Украина Компартияси Кировоград область комитети, СССР Автомобиль саноати министрлигининг коллегияси ва партия комитети КПСС Марказий Комитетининг қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликка барҳам бериш тўғрисидаги қарорини қониқарсиз бажармоқдалар, деб топди.

Давлат манфаатларига хилоф бўлган қўшиб ёзишлар практикасига қатъиян барҳам бериш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг талабларини бажаришни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар учун Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. К. Гроссуга виговор эълон қилинди. Украина Компартияси Кировоград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. И. Самилик қаттиқ огоҳлантирилди. Тармоқ корхоналарида кўзбўямачиликка ва давлатни алдашга қарши курашда йўл қўйиб бўлмайдиган принципсизлик қилганлигига СССР автомобиль саноати министри ўртоқ В. Н. Поляковнинг эътибори ҳам жалб қилинди. Ўртоқ В. Н. Поляковнинг пенсияга чиқиш тўғрисидаги аризаси маълумот учун қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети мазкур партия комитетларидан ва СССР Автомобиль саноати министрлигидан жуда яқин вақт ичида тартиб ўрнатиш юзасидан қўшимча чоралар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишларини талаб этди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, министрликлар ва идораларга КПСС XXVII съездининг принципиал йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қатъиян барҳам бериш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилиш таклиф этилди. Давлатни алдаш фактлари хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлган жиноятлар дебгина эмас, шу билан бирга партия олдидаги оғир ножўя ишлар, деб ҳам қаралсин. Бундай ҳолларнинг, айниқса, хатарли эканлигини эътиборга олиб, кўзбўямачилар ва алдамчиларнинг КПСС сафларида туришларига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин. Ҳамма жойдаги меҳнат коллективларида кенг ошкоралик сабот билан қарор топтирилсин, демократиянинг барча формалари ривожлантирилсин. Ҳар қандай қўшиб ёзиш фактини партия йиғилишлари ва ишчиларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилиш практикага жорий этилсин, шундай фактларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида меҳнат коллективлари хабардор қилиб турилсин.

КПСС Марказий Комитети ҳисобот даврида планлар ҳамда мажбуриятлар бажарилиши тўғрисидаги маълумотларга қўшиб ёзиш ва уларни бузиб кўрсатишга йўл қўйган автоном республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар, корхона ва ташкилотларни социалистик мусобақа якунлари бўйича кўчма Қизил байроқлар ҳамда классли ўринлар бериш хусусидаги муҳокамадан чиқариб ташлашни зарур, деб топди. Мусобақа ғолибларида қўшиб ёзиш аниқланган тақдирда улар олинган унвонлардан маҳрум этилсин ва бу ҳақда матбуотда эълон қилинсин. Алдаш натижасида қонунга хилоф равишда олинган мукофотлар тўла ундириб олиниши таъминлансин.

СССР Министрлар Советига қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликка қарши курашнинг иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларини кучайтириш юзасидан қўшимча чораларни ишлаб чиқиш, бунда ғайри-қонуний равишда тўланган иш ҳақи ва мукофотларни, шунингдек тайёрланмаган маҳсулот учун асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилган ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларнинг ҳақини мажбурий равишда давлатга ундириб беришни кўзда тутиш топширилди. СССР Прокуратураси, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Юстиция министрлиги давлатни алдаш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, фош қилиш ва уларга ўз вақтида чек қўйиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ролини кучайтирсинлар, айбдор шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигига эришсинлар.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига қўшиб ёзишларга қарши курашнинг кенг ошкоралигини таъминлаш тавсия этилди. Бу ишда маҳаллий матбуотнинг роли оширилсин. Ҳар хил кўзбўямачилар, шунингдек уларга йўл қўйиб бераётган кимсалар ўткир ва принципиал танқид қилинсин, улар теварагида жамоатчилик нафрати вазияти вужудга келтирилсин. Қўшиб ёзишларнинг сабаблари чуқуррoқ очиб ташлансин, ҳар бир мақола, эшиттириш ва кўрсатувнинг таъсирчанлиги кучайтирилсин. Партия комитетлари матбуотнинг танқидий материаллари объектив ва ўз вақтида кўриб чиқилишига эришсинлар.

# ЖУРНАЛИСТНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАСИ ВА БУРЧИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Билганлар, аммо индамай тураверганлар. Ҳозир Бухорода пахта териминининг аҳволи яхши эмас, у ердагилар хўжасизлик оқибатлари аламини тортмоқдалар. Область ва район газеталари эса илғорлар ҳақида кетма-кет мадҳиялар босиб чиқарган эдилар. Корхонанинг муваффақиятлари социал масалаларни ҳал этишга ҳеч таъсир қилмаётганига эътибор бермай туриб, шу муваффақиятлар ҳақида ёзиб бўладими, ахир? Бундай ёндашувни газетхон маъқуллай олмайди. Раҳбарнинг меҳнат коллективига муносабати каби проблемани ҳам газеталар таҳлил этмаяптилар.

Иқтисодий масалалар уқувсизлик билан, юзаки ёритилаётганлиги — матбуотнинг катта нуқсонидир. Масалан, «Ахборот» телепрограммасининг авторлари социал, ғоявий-сиёсий, тарбиявий проблемаларни очиб беришга дадил ёндашмаяптилар, оиланинг ҳаёти, маишати, дам олиши ҳақида енгил-елпи ҳикоя қилиб бермоқдалар. Буларсиз эса тўғри иқтисодий таҳлил ҳам қилиб бўлмайди.

Республикада бир қанча жиддий социал масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Уларнинг биринчиси уй-жой қурилишидаги камчиликлардир. Бу масала қандай ҳал этилаётганини, иш барбод бўлганлиги учун ким жавобгарлигини халқ газета орқали билиб туриши керак.

Соғлиқни сақлаш — муҳим масала. Газеталар бу ҳақда камдан-кам ёзмоқдалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига эса соғлиқни сақлаш масаласида жуда кўп шикоятлар тушмоқда. Одамлар ўзларини малакали даволамаётганликлари, врачлар ва бошқа медицина ходимлари тамагирлик қилаётганликлари, касалхоналар совуқлиги, бу ердаги маҳсулот ва дорилар ўғирлаб олиб кетилаётганлигидан ва шу кабилардан ғазабланмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси журналистларга маълум эмасми, ахир?

Мактаб ислоҳоти давом этмоқда. Кўпгина районларда, шаҳарларда хўжалик ходимлари, базавий корхоналар деб аталган корхоналар мактаблар ҳақида, ишчиларнинг ёш ўринбосарларини тайёрлаш тўғрисида яхши ғамхўрлик қилмаяптилар. Матбуот партия билан ҳукуматнинг мактаб ислоҳотига оид қарорлари қандай бажарилишига кўз-қулоқ бўлиб туриши керак. Ўқувчиларнинг билимлари пастлигининг сабабларини синчиклаб ўрганиш лозим: кўпинча бу нарса ўқитувчиларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизларча қараши натижасида келиб чиқмоқда.

Хуллас, социал соҳада ҳали очиб берилмаган мавзулар жуда кўп. Болалар боғчалари ҳам, ҳунар-техника таълими ҳам, олий ўқув юртлари ҳам, ободонлаштириш ҳам, санитария маданияти ҳам, спорт ҳам шу жумлага киради. Марказий газеталардан ўрганиш керак: улар меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, уларнинг дам олиши ва маишатига бутун-бутун саҳифаларни бағишламоқдалар, ҳозир одамлар қандай яшаши кераклигини ўргатмоқдалар.

Газета сўз билан ишнинг бирлигига эришиши лозим. Матбуот саҳифаларидан ва телеэкранлардан баъзи раҳбарларга, министрларга: хўш, ўз ваъдангизни қандай бажаряпсиз, деган саволни бериш лозим. КПСС XXVII съездида шартномавий интизом учун партиявий контрол ҳақида гапирилди. Республикада бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади, матбуот эса индамаяпти.

Ҳар бир нарсани ўз номи билан атамоқ керак. Шунинг учун курашиш зарур. Партиявий таъсирни мустаҳкамлаш ҳақида сўз очганда биз гапни КПСС XXVII съездида айтилганидек, бошланғич партия ташкилотининг ролини оширишдан, бу ерда коммунистларнинг авангардлик роли кўриниб туриши лозимлигидан бошлашимиз керак. Бу ҳақда ҳозиргидан кўра принципиалроқ, ўткирроқ ёзиш, ўз вазифаларини ёмон бажараётган, ўз ҳуқуқларидан ёмон фойдаланаётган коммунистларни кўрсатиб бериш лозим.

Газеталарнинг бош мақолаларида, йирик мақолаларида фан-техника тараққиёти ҳақида кўп гапирилади. Ҳолбуки, бу проблема ҳозир ҳар бир бригада, колхоз, цех, қурилиш участкаси олдида конкрет тарзда турибди. Илм-фан бизга тортиқ қилаётган янгиликларни қандай қилиб амалга ошириш керак? Бу эса, айниқса, район матбуоти учун яна бир муҳим мавзудир. Ваҳолонки, район газеталарида ҳатто илғор тажриба ҳақидаги хабарни ҳам камдан-кам ўқиймиз.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш — бениҳоя актуал масаладир. Партия ташкилотларида шовқин-сурон кўтарилди, қанча киши ишламаётганлиги аниқланди Хўш, бу ёғи нима бўлади? Ишламай юрган кишилардан қандай фойдаланиш керак? Бу саволлар матбуотни ташвишга солиши лозим, чунки ишчилар етишмаслиги сабабли кўпгина корхоналарнинг қувватларидан фойдаланилмаяпти, мактаблар, касалхоналар, уй-жой бинолари битмай қолмоқда. Минглаб кишилар эса бекор юрибди. Журналистларнинг вазифаси бекорчиларни қоралайдиган жамоат фикрини вужудга келтиришдан, ишчилар синфининг сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига тўлдириш масалалари билан жиддийроқ шуғулланишдан иборат.

Республикада рус тилини ўрганиш қониқарсиз йўлга қўйилган, редакциялар эса буни кўриб-кўрмасликка олмоқдалар. Ҳолбуки, фан ва техникадаги тараққиёт учун, турмушимизнинг социал-маиший савиясини ошириш учун рус тилини ўрганиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бу масалани тўғри ҳал этишда партия ташкилотига ёрдам бериш матбуотнинг бурчидир.

Ошкоралик, демократизм кучайиб бораётган шароитда, юмшоқ қилиб айтганда, биздаги консерваторлар ошкор бўлиб қолмоқда, бундай кўринишларга рўй-рост ва кескин қарши чиқиш, қайта қуришга кимлар халақит бераётганини номма-ном айтиб бериш керак.

Матбуот катта камчиликлари, қўшиб ёзганликлари, ишни барбод қилганликлари учун ишдан бўшатилган кишилар тарқатиб юрган иғво гапларга ҳам зарба бериши керак. Газеталар халқ ишини ҳимоя қилиши, ҳақиқатни қарор топтириши, адолатни рўёбга чиқариши лозим эмасми, ахир?

Кейинги йигирма йил мобайнида ижтимоий фанларда, адабиёт ва санъатда, республика маънавий ҳаётининг бошқа соҳаларида ўтмишни идеаллаштириш, баъзи тарихий воқеалар ва шахсларни баҳолашда синфий позициялардан чекиниш тобора кенг қулоч ёзганлигини Марказий Комитетнинг III пленуми тўғридан-тўғри уқтириб ўтди. Бу нарса, бир томондан, миллий ифтихор нималиги хусусида оммани чалғитди, интернационал тарбияга катта зиён етказди, иккинчи томондан, чўнтагига партия билетини солиб олган янги корчалонлар ва бойваччалар юзага келиши учун мафкуравий платформа яратиб берди. Мана шу иллатларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Марксча-ленинча ёндашиш, ўтмишга синфий позициялардан баҳо бериш, бунёдкор халқнинг роли биринчи ўринда туриши керак. Айни халқ бунёдкор эканини, тарихни халқ яратишини халқнинг ўзи тушуниб олишига эришишимиз керак. Модомики халқ бирор кишини раҳбар қилиб кўтарган экан, мана шу кўтарилган киши халққа хизмат қилишга мажбур.

Одамларни юксак онглилик руҳида тарбиялаш учун марксизм-ленинизм ғояларини содда тилда моҳирона пропаганда қилиш керак.

Ўзбек мактаблари учун ўзбек ва рус адабиёти программаларидаги хатоларни тузатиш лозим. «Учитель Узбекистана» газетаси эса ҳозирча бу ҳақда бонг урмаяпти. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси адабий-бадиий танқидчиликнинг аҳволига тузукроқ эътибор бераётгани йўқ. «Ўзбекистон коммунисти», «Партия турмуши» журналлари бу масалалар юзасидан ўткир, принципиал материалларни тез-тез эълон қилмаяптилар.

Марказий Комитетнинг III пленумида таъкидланганидек, республикада кундалик онгнинг диний ақидалар билан бирикиб кетиш жараёни актив содир бўлди ва ҳозир ҳам содир бўлмоқда, бу эса ҳақиқатда дин билан маънавий муросага олиб келди. Натижада баъзи кишиларда икки қиёфа пайдо бўлди: бири бизнинг идеалларимизни ёқловчи ижтимоий-сиёсий қиёфа бўлса, иккинчиси диний расм-русумларга риоя этувчи турмушдаги қиёфадир. Ҳатто комсомоллар ҳам никоҳ ўқитиш учун муллага бормоқдалар, «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталари, партия матбуоти, район ва область газеталари эса муросасозлик позициясида турибдилар. Диний хурофотларга қарши ва Конституциямизга хилоф равишда шу хурофотларни зўр бериб жорий этаётган кишиларга қарши дадил ҳужум қилиш керак.

Атеистик ишни қатъиян қайта қуриш лозим. Биринчидан, марксча-ленинча, илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришга кўмаклашиш; иккинчидан, социалистик турмуш тарзига зид бўлган ҳамма иллатларга, шу жумладан динга қарши қатъий кураш олиб бориш лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети рўй-рост, виждонан, ҳаққоний ёзаётган журналистларни ҳамиша ҳимоя қилади. Бундай ҳимоя зарурлигининг сабаби шундаки, район газеталари ишни бирмунча жонлантирган ҳозирги пайтда баъзи район партия комитетлари матбуот органига тўғри ёндашиш йўлини топа олмадилар, уларга бўш раҳбарлик қилмоқдалар, уларнинг икир-чикир ишларига аралашиш билан шуғулланмоқдалар.

Журналистлар социал адолат учун курашда партиянинг садоқатли таянчи бўлишлари керак — ҳақиқатни ҳимоя қилувчилар борлигини, район, область, республика газетасига борилса, ёрдам берадиганлар борлигини омма ҳис қилиши керак.

Ҳақиқий бойлик ва фароғат нималиги, маданият нималиги ҳақида халқ билан гаплашиш зарурати пишиб етилди. Дунё биргина қишлоқ билан чекланмаслигини, ҳозир ҳар бир киши оиласи билан улуғ мамлакатимиз бўйлаб, чет элларга сафар қилиши мумкинлигини, шу йўл билан пул оқилона сарфланишини ҳар бир киши тушуниб оладиган бўлсин. Бу мавзуда район газеталари, радио, телевидение, айниқса, самарали ишлар қила олади.

Меҳнаткашларнинг дил сўзлари ёзилган, эски турмуш, шариат, ислом хурофотлари инсонга келтираётган кулфатлар тасвирланган хатларни ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди. Бундай хатлар кўп. Улар кўп ҳолларда халқнинг ажойиб анъаналари бузиб юборилганлигидан, улар ўрнини бой-феодалларча одатлар эгаллаганидан далолат беради. Бундай фактлар ҳақида матбуот эҳтирос билан баралла гап юритиши лозим, чунки бундай одатлар билан соф ахлоқ ва одобни вужудга келтириб бўлмайди.

Марказий Комитетнинг III пленумида қайд этилганидек, пропагандада ва коммунистик ахлоқ принципларини қарор топтиришда аниқ йўналишнинг йўқлиги халқнинг бир қанча урф-одатларига путур етказди, одамларнинг бир қисмида жамиятимиз руҳига зид қилиқлар пайдо бўлишига олиб келди. Ҳатто халқнинг энг яхши анъаналаридан бири — доно кексаларни, мўйсафидларни ҳурмат қилиш анъанасини ҳам буздилар, бунинг ўрнига лавозими каттароқ кишини кўр-кўрона ҳурмат қилиш одат бўлиб қолди. Кўпгина раҳбарлар ҳам буни нормал ҳол деб ҳисобладилар, ўз ходимларидан итоатгўйлик ва хушомадгўйликни талаб қилдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси мансабдор шахсга сиғиниш, танқидга, ошкораликка, демократияга чидамаслик вазиятини юзага келтирди. Ҳозир ҳам бизда мансабга миниб олгач, гап қайтаришга йўл қўймайдиган, ўзини бенуқсон деб ҳисоблайдиган раҳбарлар бор. Раҳбар билан ходим ўртасида чинакам ўртоқлик вазиятини вужудга келтириш учун ҳали кўп ишлашга тўғри келади.

Матбуот ходимлари Марказий Комитет пленумида айтилган қоидалар асосида танқидни ривожлантириб, ўз қўлларига партиянинг нақадар қудратли қуроли ишониб топширилганини доимо эсда тутишлари керак. Бу қуролдан моҳирлик билан одилона, ҳалол, одоб билан фойдаланиш лозим. Биз ножўя сўз билан инсонни ранжитишга ҳаққимиз йўқ, биз койиш билан эмас, балки танқидий анализ билан шуғулланишимиз керак. Бирон бир кимса бировдан ўч олиш учун газетадан фойдаланишидан эҳтиёт бўлиш лозим. Бундай уринишларни пайқаб олиш — сиёсий етуклик кўрсатиш демакдир. Муттаҳамларни, юлғичларни ҳужумкорлик билан аёвсиз танқид қилиш керак. Аммо баъзан матбуот мана шундай кимсаларни силлиққина танқид қилади. Партия ҳаддан ошишга йўл қўя олмайди, бироқ боқибеғам яшайдиган: ўзлари ҳеч кимнинг мушугини пишт демайдиган, уларга ҳам биров тегмайдиган редакторларга ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Чунки бу ҳол одамларда адолат ва ҳақиқат тантанасига ишончсизлик туғдиради, пассивликка, бефарқликка олиб боради. Ҳолбуки, район ва область газеталаримиз бир ёқда турсин, ҳатто республика газеталари ҳам бу соҳадаги ишларини қайта қуришда сусткашлик қилмоқдалар.

Газетани коллектив чиқаради, албатта, бироқ унинг руҳини редактор белгилаб бериши керак. У ўз касбдошлари орасида энг истеъдодли журналист ҳам бўлиши керак. Редакторнинг истеъдодини газетага қараб билиб олиш мумкин ва лозим эмасми, ахир? Редакторнинг юксак масъулияти ва унга нисбатан қўйиладиган юксак талаб ҳам мана шундан келиб чиқади. Газета, журнал редактори, нашриёт директори — сиёсий раҳбарлардир.

Ўзбекистон оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг тажрибасини анализ қилишдан шундай хулоса чиқади: идеология ишини яхши тарафга буриш натижалари яққол кўриниб турибди, албатта. Аммо бу иш эндигина бошланди. Шу боисдан ҳам партиянинг стратегик йўлини самаралироқ амалга ошириш учун ўз ишини қайта қуриш соҳасидаги куч-ғайратларни икки-уч ҳисса ошириш ҳар бир журналистнинг вазифаси ва бурчидир.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари партиявий иш, журналистика, экономика, редакция-нашриётчилик жараёнини ташкил этиш проблемалари хусусида ўттизтадан кўпроқ савол бердилар. Район газетачилари, айниқса, активлик кўрсатдилар, маҳаллий матбуот органларининг моддий базаси қониқарсиз аҳволда эканлиги уларни, айниқса, ҳаяжонга солмоқда. Республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ҳатто перспектив план ечимлари ҳам, катта капитал чиқимлар ҳам зарур бўлмаган жойлардаги район газеталари ҳақида тузукроқ ғамхўрлик қилмаяпти. Гап район босмахоналарининг ҳарф хўжалиги ночорлиги ҳақида; оператив ахборотни беришдаги камчиликлар тўғрисида; редакция билан босмахона ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли эмаслиги, редакция коллективининг ижодий режалари техниканинг қолоқлиги, ялпи босма маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг қолоқлиги сабабли рўёбга чиқмай қолаётганлиги тўғрисида бормоқда.

Сўнгги мавзуни область газеталарининг ходимлари ҳам қўллаб-қувватладилар. Бундан ташқари, улар кадр масалаларини ҳам кўтардилар. Редакция коллективларини малакали журналистлар билан мустаҳкамлаш олий ўқув юртларининг, республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг иши бўлса-да, профессионал журналистлар ҳам бу ҳақда ўйлашлари керак. Ёшларни журналистика факультетига газеталарнинг йўлланмалари билан қабул қилиш ва улар битириб чиққанларидан кейин ўзларини тавсия этган редакцияга бориб ишлашини йўлга қўйиш тўғрисида Марказий Комитетнинг III пленумида айтилган таклиф қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Ўзбекистон шароитида редакциялар икки тилни биладиган мутахассислар тайёрлаш, уларни амалий иш даврида тарбиялаб вояга етказиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари жуда муҳимдир, чунки газетхон ўзи биладиган тилда газетага мурожаат этишга ҳақлидир, бу ҳуқуқни таъминлаш эса ҳар бир редакциянинг бурчидир.

Матбуот конференциясига йиғилганлар яқин вақтларгача деярли «тақиқлаб» қўйилган мавзуларни матбуотда ёритиш характери билан, газета ва уни нашр этадиган партия комитетининг ўзаро муносабатлари билан, оммавий ахборот воситалари ходимининг ҳуқуқ ва вазифаларини қонуний тарзда расмийлаштириб қўйиш ва бошқа кўпгина проблемалар билан қизиқдилар. Республика матбуотини мунтазам хабардор қилиб туриш анъанаси маъқуллаб кутиб олинганини, бу анъана тобора кучая бориб, журналистларнинг активлигини оширишга, уларнинг ғоявий савиясини ва малака даражасини кўтаришга кўмаклашишини матбуот конференцияси қандай ўтганлиги кўрсатиб берди.

(ЎзТАГ).

# КПСС Марказий Комитетида учрашув

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев амалий визит билан Москвага келган ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Якешни 21 октябрь куни қабул қилди. М. Якеш КПССнинг СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини ҳаётга татбиқ этиш соҳасидаги тажрибаси билан танишди.

Бўлиб ўтган суҳбатда КПСС XXVII съезди ва ЧКП XVII съезди қарорлари бутун Совет — Чехословакия муносабатлари комплексига ҳаётбахш таъсир ўтказган қудратли омил бўлганлиги мамнуният билан таъкидланди.

М. С. Горбачевнинг Г. Гусак билан учрашув ва суҳбатлари чоғида эришилган аҳдномаларга мувофиқ ҳам икки томонлама асосда, ҳам Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача мўлжалланган фан-техника тараққиёти Комплекс программаси доирасида СССР билан ЧССР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада такомиллаштиришдан КПСС билан ЧКПнинг ғоят манфаатдорлиги яна бир бор тасдиқланди. Кооперациянинг бирлашмалар, комбинатлар ва корхоналар ўртасидаги бевосита алоқаларини ривожлантириш, қўшма илмий-ишлаб чиқариш коллективларини тузиш каби замонавий формаларидан кенгроқ фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

* * *

М. Якеш КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков ва КПСС Марказий Комитети секретари В. А. Медведев билан суҳбатлашди, СССР Министрлар Совети давлат ташқи иқтисодий комиссияси ҳамда СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги раҳбарлари билан учрашди, Москвадаги «Красний пролетарий» станоксозлик бирлашмасига борди.

Суҳбатлар ва учрашувларда ЧССРнинг СССРдаги элчиси М. Завадил иштирок этди. (ТАСС).

# ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

Лекция ишлари социализмнинг тарихий ғалабаларини, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг кенг миқёсли вазифаларини ва уларни ҳал этиш йўлларини ишонарли тарзда пропаганда қилишга, КПССнинг Совет тинчлик программасини амалга ошириш борасидаги фаолиятини кўрсатиб беришга қаратилган. 22 октябрь куни Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси ва халқ университетлари Марказий кенгашининг пленумида ана шулар таъкидланди. Пленум қатнашчилари Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг КПСС XXVII съезди қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш соҳасидаги ишларини ташкил этишни такомиллаштиришга асосий эътиборни қаратдилар.

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси раиси академик Н. Г. Басов докладида, нутқларда партия комитетларининг раҳбарлигида лекция пропагандасини қайта қуриш амалга оширилаётганлиги, бу иш лекция пропагандаси сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилганлиги уқтирилди. Жамият ташкилотларининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши учун кураш, бошқарув ва хўжалик механизмини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзини жорий этиш ва меҳнатсиз даромадларга қарши кураш, ҳарбий ватанпарварлик, атеистик тарбия каби муҳим йўналишлардаги фаолиятини яхшилаш чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, жамиятнинг кўп ташкилотлари ҳамон эскичасига ишламоқда, улар реал ишлардан ажралиб қолмоқда. Лекциялар баъзан умумий, деклоратив характерда бўлади, ишлаб чиқариш коллективлари ҳаёти билан мустаҳкам боғлиқ бўлмайди.

Пленум қатнашчилари партия XXVII съезди қарорлари асосида лекция-пропаганда ишларини янада такомиллаштириш, меҳнаткашларга таълим бериш ва уларни марксча-ленинча тарбиялашни яхшилаш тадбирларини белгиладилар.

(ТАСС).

### МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ТЕКСТИ — БМТ ҲУЖЖАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 22 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 12 октябрь куни Рейкьявикда ўтказган матбуот конференциясининг тексти Бирлашган Миллатлар Ташкилотида БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Г. К. Орджоникидзе туғилган куннинг 100 йиллиги

# ЎРТОҚ СЕРГО

Оташин революционер, машҳур партия ва давлат арбоби Григорий Константинович Орджоникидзе туғилган кунга 100 йил тўлди. Серго номи билан халқимиз қалбига сингиб кетган бу ажойиб инсон Ленин гвардиясининг ёркин вакилларидан бири эди. У 1886 йил 24 октябрда Кутаиси губерниясининг Шорапан уездидаги Гореш қишлоғида туғилди. Ота-онасидан барвақт айрилиб, қариндошлари қўлида тарбия топди. Дастлаб Тифлисдаги фельдшерлик мактабида билим олди, шу ерда у социал-демократик тўгаракнинг актив қатнашчиларидан бири бўлиб қолди.

Орджоникидзе ўн етти ёшида Коммунистик партия сафига кириб, бутун умрини порлоқ идеаллар учун курашга бахшида этди. У Закавказьеда биринчи рус революцияси воқеаларида қатнашиб, ўзини кўрсатгач 1907 йилда Бокуга партия ишига юборилди. Бу ерда машҳур большевиклар Шаумян, Жапаридзе, Спандарянлар билан бирга шаҳар партия ташкилоти ишига раҳбарлик қилди. Чоризм турмалари, Сибирь сургунлари унинг курашга бўлган иродасини бука олмади. Бу оғир синовлар чоғида у омманинг революционер ташкилотчиси дорилфунунини ўтди.

1909 йили Орджоникидзе Закавказье революционерлари группасига бош бўлиб, Эронга боради. У ердан туриб большевистик нашрларнинг редакциялари билан қизғин ёзишмалар олиб боради, В. И. Ленин билан алоқа боғлайди. Унинг доҳий билан учрашуви 1911 йил январида Парижда бўлган эди. Бу учрашув В. И. Лениннинг Мари-Роз кўчасидаги квартирасида юз берган. Н. К. Крупскаянинг ёзишича, ўша кундан бошлаб у Лениннинг энг яқин дўстларидан бири бўлиб қолади.

1917 йил Орджоникидзе Петроградга келади. Лениннинг таклифи билан уни РСДРП Петербург комитетининг составига киритадилар. Шу йил июль воқеаларидан сўнг Ленин подпольега ўтгач, партия Марказий Комитети Орджоникидзега масъулиятли топшириқни юклайди. У В. И. Ленин билан Марказий Комитет ўртасида алоқани таъминлаб туриши керак эди.

Октябрь революциясининг унутилмас кунларида у Ленин билан бирга бўлди, социалистик революцияни тайёрлаш ва ўтказиш учун астойдил курашди. Қизил Армиянинг граждан уруши фронтларида қўлга киритган муваффақиятларининг талантли ташкилотчиларидан бири бўлган Орджоникидзе Кавказда Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун кўп ишлар қилди.

Мамлакатимиз индустриал қудратининг асослари вужудга келтирилиши унинг номи билан чамбарчас боғлангандир. Партия Марказий Комитети 1930 йил Орджоникидзени СССР Халқ Хўжалиги Олий Кенгашининг раҳбари этиб тайинлайди. Бу лавозимда у бутун маҳоратини ишга солиб мураккаб хўжалик масалаларини моҳирона ҳал этади.

Орджоникидзе доимо омма орасида бўлар, уни қурилишлар, заводлар, цехларда кўриш мумкин эди.

Ленинчи революционер Сергонинг қалби 1937 йил 18 февралда уришдан тўхтади. У Москвада Қизил майдонда дафн қилинган. Мамлакатимиздаги кўпдан-кўп шаҳар, район, посёлка, кўча ва майдонлар унинг номи билан аталади.

Ҳозир КПСС XXVII съезди мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифасини олға сурган бир пайтда Г. К. Орджоникидзе тимсоли совет кишиларини улуғ ишларга руҳлантирмоқда.



◆ **СУРАТДА: Г. К. Орджоникидзе сафдоши С. М. Киров билан. 1920 йил.**
**ТАСС фотохроникаси.**

